O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 19 июль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 56 (7251)

**Da'vat**

**Истиқлол, шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.**

**Ислом КАРИМОВ**

**Ibrat**

**Бахмал тумани марказида ҳомийлар ёрдами ва ҳашар йўли билан стадион, бассейн, теннис корти, кинозал, қаҳвахона, бахт уйи ҳамда турли хил аттракционларни ўз ичига оладиган "Ёшлар маркази" қурилмоқда. Мажмуани Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.**

# ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОН КЕЗАДИ

**G'urur**

Юзи иссиқ, бир қараганда ранги-рўйи эзгулик, яхшиликка мойил, баъзан қарашлари ўткир, донишмандона табиати бор ўзбек халқининг ҳали забт этадиган чўққилари кўп. У бундай чўққиларни забт этаяпти ҳам. Мана, исботи. Анталияда ўзбек кураши бўйича икки нафар полвонимиз чемпион бўлишди, олтин медаль олишди. Ўзбек номи, ўзбек кураши яна оламни тутди.

Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича II жаҳон чемпионатида қатнашган спорт делегациямиз ва полвонларимиз кеча Тошкентга қайтиб келди. Юртга зафар билан қайтиш ҳамма вақт ва ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ўз халқининг ишончи, умиди, орзусини елкалаб юрмоқ, курашмоқ осон иш эмас. Худди шу курашда ишончлар, умид ва орзулар оқланди. Уни Маҳтумқули ва Баҳромлар оқлади. Тошкент аэропортида жаҳон чемпионати иштирокчиларини кутиб олгани кўплаб спорт мухлислари, дўст-ёронлар жам бўлишди. Уларнинг кўзидаги, қалбидаги қувончни кўрсангиз, бу ғалабанинг нақадар кутилганлигини, орзуманд бўлинганлигини англайсиз.

Маҳтумқули Маҳмудов ва Баҳром Авазовлар ана шу жаҳон чемпионати шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилишганини бу ердаги юртдошлари яхши билишади. Дунёнинг беш қитъасидан келган полвонлар турли вазнларда кураш майдонларида беллашдилар. Маҳтумқули билан Баҳром эса барча рақибларини доғда қолдиришди.

Ўзбек курашининг муваффақияти кўплаб давлатларда катта қизиқиш ва олқишларга сабаб бўлди. Зеро, унинг мамлакатимиздан ташқарида бўлиб ўтаётганлигининг ўзиёқ жаҳон аренасида тан олингани ва ғалабасидир.

Бундай юксак эътироф ёшларимиз онгида тобора Ватан, миллат туйғусини шакллантиради. Унинг шани, шавкати бўлишга ундайди. Чунки ўзбек кураши Ватанимизнинг, миллатимизнинг, ғурури ва ифтихоридир. У халқимизга хос бўлган барча эзгу фазилатларни мужассам этган. Ҳар бир юрт фарзанди бу улуғ шон-шавкатдан фахрланмоғи, ғурурланмоғи лозим. Ана шундагина чемпионат шоҳсупасининг энг юқори поғоналари юртдошларимизга насиб этаверади ва ўзбек кураши дунё спортининг севимли машғулотига айланади.

**Умида НИШОНОВА**

**Суратда: Анталияда ўтказилган Ўзбек кураши бўйича II-Жаҳон чемпионатининг олтин медаль соҳиблари Махтумқули Маҳмудов ва Баҳром Авазовларни кураш фахрийси 70 ёшли Жўра Тошматов қутламоқда.**

**ЎзА олган сурат.**

**Bolangiz maktabga tayyormi?**

# НАФАҚАТ АҚЛЛИ, БИЛИМЛИ БЎЛИШ ҲАМ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг ҳар томонлама барқарор тараққиётини таъминлаш вазифаларини ҳал этишни кун тартибига қўйди.

Асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган миллий-маънавий, сиёсий, аҳлоқий маданиятимиз имкониятларидан фойдаланаяпмиз ва бу маънавий-маърифий ҳаётимизга ўзгача жило бахш этмоқда.

Бугунги кунда миллий-маънавий тикланиш ҳар бир фуқародан, айниқса ёшлардан мустақил фикр юритишни, рўй бераётган ҳодисаларни, ўзгаришларни холисона баҳолай олиш малакасини таркиб топтиришни талаб қилади. Соғлом, мустақил фикр эгаси бўлган комил инсонларни шакллантириш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Анъанавий таълим-тарбия тизимида биз икки йўналишни кўришимиз мумкин. Миллий урф-одат, анъаналар асосидаги ахлоқий тарбия ва мактаб таълими. Бизга мерос сифатида ўтиб келаётган миллий тарбия асосан диний тарбия билан уйғунлашиб кетган ва халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгандир.

Мактаб таълими ёшларни маълумотли қилиш ва тарбиялаш мақсадида махсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида иш олиб боради.

Айтиш жоизки, баъзан оилада берилаётган тарбия билан мактаб тарбияси ўртасида номутаносибликни ҳам кўришимиз мумкин.

**(Давоми 2-бетда)**

**JUMLADA JAHON**

• **Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бангладеш Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озод Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашиб, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келажакдаги истиқболлари, жумладан бу борадаги мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиб, ишбилармонлар алоқаларини ривожлантириш масалалари хусусида ўзаро фикр алмашдилар.**

• **"Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда Республика Телерадиокомпанияси ҳамкорликда "Соғлом авлод" дастури доирасида ўтказган "Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз" телемарафонида республикамизнинг кўплаб корхона ва ташкилотлари иштирок этишиб, 35 миллион 816 минг сўмлик маблағларини комил инсон тарбиясини тарғиб қилиш ва бу борадаги давлат дастурини тўла амалга ошириш учун моддий негиз яратиш мақсадига ажратишди.**

• **Халқаро молия доираларида катта нуфузга эга — "The Banker" журнали рейтингига кўра, 1999 йилги фаолияти якунлари бўйича "Асакабанк" 1998 йилги ўрнидан тўққиз поғона кўтарилиб, жаҳондаги 1000 та илғор банклар қаторидан жой (950-ўрин) олди.**

• **АҚШнинг ракетага қарши мудофаа тизимини кучайтириш режаси, нафақат бошқа мамлакатларда, балки Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам кўпгина норозиликларга сабаб бўлиб, ушбу ҳаракат АҚШни хавф остига қўйиб, қуролланиш пойгасининг бошланиб кетишига сабаб бўлади, дея таърифланмоқда.**

**2000 yil — Sog'lom avlod yili**

**Жуманазар БЕКНАЗАР**

# ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ ОИЛА ЗАМИРИДА

*Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ривожланиш қонунлари бор. Улар табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, шу муайян жамиятда яшовчи инсонлар тафаккур ва онги, хоҳиш-иродаси ҳамда истаклари билан чамбарчасдир. Мана шу жамият қонунларининг секин ва тез ривожланиши, амал доирасининг кенг ёхуд торлиги етакчи гуруҳларнинг назарий ва амалий тушунчаларига бориб тақалади. Баъзан эса шу ривожланиш қонуни муайян бир вақт оралиғида ҳатто бир кишининг онг шакллариш хусусиятлари билан қоришиб кетадики, буни асло инкор қилиб бўлмайди. Мана шу хусусиятлар маммуасининг амалиётга қай тариқа жорий қилинишидан жамият ривожланиши янада гуркирайди ёки турғун бўлиб қолади, ёки инқироз сари юз буради. Бунинг айнан шундай эканлигига тарихдан сон-саноқсиз мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Амир Темур бобомизнинг марказлашган буюк давлат тузиши, Абдуллоҳнинг тарқоқ давлатни бус-бутун қилиш йўлидаги уринишлари, Буюк Туркистоннинг уч мустақил амирлик ва хонликларга бўлиниб кетиши ва ҳоказолар.*

*Бу сўзлар билан гўё "Тарихни шахслар эмас, балки халқ яратади" деган қонунни буткул инкор қилаётгандекмиз. Йўқ, асло! Тарих ғилдираги илгариланма ҳаракатининг етакчи кучи халқ эканлигини яна бир бор исбот қилишга ҳожат йўқ. Биз юқорида айтилганлар билан ҳар бир муайян ёрқин из қолдирган шахс шу даврнинг етилай-етилай деб турган хоҳиш-иродасини ўз вақтида пайқаб, шунга мувофиқ билимдонлик, шижоат билан ташкиллаштирувчи иш олиб борганлиги ва боришини таъкидламоқчимиз, холос. Бунга ҳам тарихда истаганча мисоллар топилади. Масалан, Махатма Гандининг инқилобий юришлари, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиши.*

***(Давоми 2-бетда)***

**Ўқитувчи ён дафтарига**

**ЯНГИ КАШФИЁТ**

**Тошкентлик ихтирочи Баҳодир Алимов инсоният қарийб олти минг йилдан бери фойдаланиб келадиган ва бундан ортиқ такомиллаштириб бўлмайдигандек туюлган ғилдиракни қайта кашф этди. Ихтирочи мазкур "Ер усти транспорт воситасининг ғилдираги" кашфиёти учун республика Патент идорасининг патентини олди. Ўзига хос ускуналарга эга бу ғилдирак энг кам қувват сарфлаб, илдам юриш қобилиятига эга.**

**ДАВОСИ ТОПИЛДИ**

**Профессор Нозима Деҳқонхўжаева раҳбарлигидаги бир гуруҳ юртимиз шифокорлари томонидан пес касаллигини (терининг айрим қисмларида меланин пигментининг йўқолиб, турли шакл ва катталикдаги оқ доғларнинг пайдо бўлиши) даволашнинг янги усули яратилди. Оддий ва самарали бу усул амалий тиббиётда кенг қўллаш учун тавсия этилди.**

**УЙ БЕКАЛАРИ ВА СПОРТЧИЛАР**

**Италиядаги спортга ихтисослашган институт ходимлари уй бекаларининг (37 ёшли, иккитадан фарзанди бўлган аёллар танлаб олинган) ўртача кунлик меҳнатини айрим спорт турлари билан солиштириб, ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, уй бекаларининг кун бўйи бажарадиган 8 соатлик турли уй юмушлари — 2 марта футбол ўйнаш, велосипедда 80 км. йўл босиш ёки 2 соат тинимсиз теннис ўйнаш билан баробар экан. Эслатиб ўтиш жоиз, бу тадқиқотлар фақат итальян уй бекалари хусусидадир.**

**ЯНА БИР МАЪЛУМОТ**

**Аёллар хусусида яна бир маълумот. Мутахассисларнинг шаҳодат беришларича, ўтган асрда аёллар соч турмаклаш учун ўртача 20 дақиқа ва овқат пиширишга 2 соат вақт сарфлаган эканлар. Бугунги кунга келиб эса, аёллар соч турмаклаш учун ўртача 2 соат вақт сарфласа, таом тайёрлашларига 20 дақиқа етарли экан.**

**Faxr**

**Шу йилнинг сентябр ойида Бухорода улуғ олим Абу Али ибн Сино таваллудининг 1020 йиллигига бағишлаб "Ибн Сино ўқишлари" халқаро анжумани ўтказилади.**

**— Заминимизда бутун оламга донг таратган кўпгина буюк сиймолар яшаб ўтган. Маълум фан бўйича эмас, балки турли соҳаларда қомусий билимга эга бўлган Абу Али ибн Сино шундай зотлардан бири ҳисобланади, — деди Ибн Сино номидаги жамғарма раисининг ўринбосари Зуҳра Ботирова.**

**Жамғарма раиси ўринбосари ри тиббиёт ходимларининг асосий дастуриламали бўлиб келади.**

**З. Ботированинг қайд этишича, афшоналик улуғ аждодимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш, даволаш-ташхис қўйиш борасида Ибн Сино усулларини амалиётда қўллаш борасида шу кунларда мамлакатимиздаги тиббиёт институтларида олимпиадалар ўтказилаётир. Олимпиада ғолиблари Бухорода ўтказиладиган "Ибн Сино ўқишлари" халқаро анжуманида иштирок этадилар.**

# УЛУҒЛАРГА БЕШИК БЎЛГАН ЮРТ

**олим илмий мероси хусусида тўхталиб, Ибн Сино томонидан 450 та асар ёзилгани, шулардан 240 таси ҳозирги кунгача етиб келганини таъкидлади.**

**— Ҳамадондаги олим сағанасига ўрнатилган 12 та устун рамзий маънода бўлиб, бу буюк аллома 12 та фан йўналиши бўйича изланишлар олиб борганини билдиради, — деб таъкидлади З. Ботирова. — Жумладан, олим асарларининг 150 таси фалсафага, 40 таси тиббиётга қолган 50 таси бошқа фан соҳаларига тааллуқлидир.**

**"Тиб қонунлари" олим илмий меросининг гултожи ҳисобланиб, 1012-1023 йилларда яратилган бу асар қарийб олти юз йил давомида Европа ва Шарқ мамлакатлари тиббиёт ходимларининг асосий дастуриламали бўлиб келади.**

**— Абу Али ибн Сино тарихий жиҳатдан мураккаб даврда яшаганига қарамасдан, туғма қобилияти, илмга чанқоқлиги туфайли замонасининг етук билимдонига айланди. Бугунги ёшларимизга билим олиш учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз раҳбарияти ёшларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб улғайишлари учун улкан имкониятларни яратиб бермоқда. Буюк тарихга, боболаримизнинг бой илмий, маънавий меросига меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан қаралаётган мамлакатимиз ҳали кўплаб улуғ алломаларга бешик бўлишига шубҳа йўқ, — деди пировардида З. Ботирова.**

**"Туркистон-пресс"**

**Mas'uliyat**

Келажаги буюк бўлган жонажон мамлакатимиз тараққиёти фақатгина ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожи билан эмас, балки, энг аввало, маънавият-маърифат тармоғининг юксалишига ҳам боғлиқ. Истиқлолга эришганимиздан кейин Юртбошимизнинг бу соҳага катта эътибор бераётгани ҳам шундан. Шу мақсадда мамлакатимизда ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" кенгаши, жамоатчилик фикрини ўрганишга ихтисослашган "Ижтимоий фикр" ҳамда "Оила" марказлари бугунги кунда аҳолининг турли қатламлари, корхона ва муассасалари вакиллари ўртасида маънавиятни шакллантиришга қаратилган амалий анжуманлар ўтказмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, келгусида ижобий самара бериши табиий.

Яқинда республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳамда унинг Тошкент шаҳар бўлими, жамоатчилик фикрини ўрганиш "Ижтимоий фикр" маркази ташаббуси билан пойтахт жамоатчилиги, хусусан Тошкент шаҳар ҳокимлиги вакиллари, олимлар, маънавият-маърифат фаоллари, халқ таълими ходимлари, "Маҳалла", "Камолот" жамғармалари шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари иштирокида "Миллий хавфсизлик маърифати" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов, республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши масъул котиби Аслиддин Болиевлар йиғилганларга мустақилликнинг қадри, уни асраб-авайлаш, келажагимиз бўлмиш ёшларнинг тарбиясида маънавият-маърифатнинг аҳамияти ҳамда диний экстремизмга қарши курашда зиёлиларимиз, маҳалла фаоллари олдида турган вазифалар ҳақида сўзлаб бердилар.

# МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАЪРИФАТИ

Шунингдек, анжуманда билдирилган кўпгина фикр-мулоҳазаларда, маърузаларда ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйишда бажарилиш лозим бўлган долзарб вазифалар, маънавиятни ривожлантиришнинг аниқ йўл-йўриқлари, айрим ёшларимизнинг маънавий-маърифий билими етишмаслиги оқибатида экстремистлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олиш ҳақида очиқ-ойдин сўз юритилди, аниқ таклифлар билдирилди.

Ушбу илмий-амалий анжуман баҳсу мунозарага бой тарзда якунланди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Республика халқ таълими XXI аср бўсағасида**
(Халқ таълими ходимларининг 2000 йил анъанавий Август кенгашларига тавсиялар)
2-бет

**"АВЕСТО": ТАРКИБ ВА МОҲИЯТ**
2-бет

**БОҒЧАДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ**
3-бет

**"АГРОИСТЕЪДОД" ИШ БОШЛАДИ**
4-бет

**Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!**

# ЯНГИ ДАРСЛИК ЯНГИ АЛИФБОДА

*"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида яратилган Давлат таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ ҳолда 7-синф учун "Ўзбекистон табиий географияси" («Ўқитувчи» нашриёти, 2000 йил) ўқув қўлланмаси лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилди. Ўқув қўлланма мазмуни аввалгиларига нисбатан янгиланган, дастурга асосан мавзулар қайта ишланган.*

*Ўқув қўлланма муқаддимадан бошланиб, унда Ўзбекистон ҳудудининг географик ўрни, чегаралари ўрганилишида ҳисса қўшган алломалар, олимлар, уларнинг илмий фаолиятлари ҳақида мазмунли ва ўқувчи учун тушунарли матнлар берилган. Мавзуларга мос ҳолда хариталар, расмлар илова этилган.*

*"Ўзбекистон табиатининг умумий таърифи" бобида республикамиз ер юзаси, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари мавзулари янги маълумотлар, хариталар, схемалар билан бойитилган. Унда зилзилалар, инсоннинг ер юзасига таъсири, асосий фойдали қазилмалар, уларнинг аниқланишида олиб борилган изланишлар натижасида очилган бойликлар ҳақида қизиқарли маълумотлар баён этилган.*

*Ўзбекистоннинг иқлими, сув бойликлари, дарёлари, кўллари, сув омборлари, ер ости сувлари, уларни муҳофаза қилиш мавзулари янгиланиб, мавзуларга мос хариталар, жадваллар билан бойитилган. Ўзбекистоннинг тупроқлари турлари, уларнинг тарқалиши, ўзига хос хусусиятлари, бу тупроқларда ўсувчи ўсимликлар дунёси ва асосий ҳайвонот олами ҳақидаги маълумотлар ҳамда матнга мос расмлар билан безатилган. Расмлар ва тупроқ кесмалари рангли тасвирларда берилган. "Ўзбекистон табиий комплекслари тавсифи" бобида республикамиз ҳудудининг табиий географик ўлкалари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, текислик қисми ва тоғолди ҳамда тоғлик қисмида жойлашган ўлкалари, улар ўртасидаги табиий географик тафовутлар, уларнинг ўрни, ер юзаси, геологик тузилиши, фойдали қазилмалари, иқлими, сувлари, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги мавзулар қизиқарли маълумотларга бой. Мавзулар мазмунининг ёритилишида кўплаб хариталар, ҳар бир ўлканинг яхлит табиий географик кесимларининг ҳамда табиатига хос бўлган расмларнинг илова этилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқув қўлланманинг иловалар қисмида Ўзбекистон ҳудуди ер юзасининг геологик ривожланишини "Геохронологик жадвал" асосида эралар, даврлар бўйича таҳлил этиб берилган.*

*Ўз ўлкамиз табиати, тоғ тизмалари, баланд чўққилари, иқлими, дарёлари, каналлари, сув омборлари, қўриқхоналари "Ўзбекистон қизил китоби"га киритилган ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун бой маълумотлар берилган.*

*Ўқув қўлланманинг муқоваси қаттиқ, аввалги дарсликларнинг муқовасидан фарқли бўлиб, мустақил республика табиатини ўзида акс эттириб турибди. Қоғози, расмлар, схемалар, хариталар сифатли ишланган бўлиб, ўқув қўлланма ўқувчи эътиборини жалб этади. Мавзулардан эса ўз ўлкамиз табиати ҳақида ўқувчининг тўлиқ географик билимларини эгаллашлари назарда тутилган.*

**М.ТИЛЛАБОЕВА,**
**РТМ бош методисти**

*Аксарият ота-оналар болани 6 ёки 7 ёшга тўлиши билан мактабга тайёр деб ҳисоблайдилар. Боланинг ахлоқий, ақлий ва эмоционал етуклиги ҳақида деярли қайғурмайдилар.*

*"Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир"*

Ma'rifat

# ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ ОИЛА ЗАМИРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

*Юксак тафаккур эгаси англаган, тушунган йўналишнинг халқ манфаатлари йўлида хизмат қила оладиган даражага чиқиши ҳамда уларни жамиятнинг ижтимоий тизимига жорий қилиш бир ёки икки йилда амалга ошадиган жўн жараён эмаслиги равшан. Бунинг учун ўнлаб йиллар ўтиши мумкиндир, бироқ муайян жамиятнинг пойдевори қўйилган аввало соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришни ўз ўрнига қўймас эканмиз, келажагимиз равнақи тўғрисида ўйлашга ҳам ҳожат йўқ. Албатта, бунинг учун дастлаб оиладаги тарбия тизимини тамомила қайтадан қуришимиз, боболаримиз, момоларимизнинг минг йиллик ажойиб урф-одатлари, анъаналари асосига қурилган мутлақо янги тарбия тизимини яратишимиз зарур. Токи ёш авлод қалбида, онглакат равнақи ҳам шунчалик юксалиши табиий. Зеро, жуссаси соғ, онги кенг қамровли, тафаккури юксак даражали ёшлар юртимизнинг келажагини порлоқ этувчилар бўлишлари турган гап. Дарҳақиқат шундай экан, бутун диққат-эътибор, бор имконият шунга қаратилмоғи даркор. Демак, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир нуқтадан шу жараённинг бошланиши аниқ. Мана шундан кейин Ватан манфаати, халқ фаравонлигини кўзловчи онг ва тафаккурнинг тўлиқ шаклланиб, унинг ўз мевасини бериш эволюциясини биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо авлод вакиллари аста-секинлик билан олга силжитаверадилар.*

*Мана шу эволюция жараёнининг тез ёки секин кечиши муайян жамиятдаги мафкура, маънавият, таълим-тарбияга бориб тақалади. Бусиз мумкин эмас. Чунончи, жамият ҳаракатлантирувчи кучларининг ҳар бир бўғини онгли ижодкор, янгиликка интилувчан, ақлий шижоат эгаси бўлса, ривожланиш шунчалик юқори бўлади.*

*Мана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биз энг гида, қонида инсоф, ҳақиқатгўйлик, ростлик, шаънни улуғлаш, мағрурлик ва ғурур, эътиқод ва фахрланиш ҳиссиётларини шакллантириш вазифалари уддалансин. Бунда улар ёлғон гапириш, ўғирлик, ҳасад ва бахиллик, таъма қилиш гуноҳи кабир эканлигини қалбларига жо қилиб олишсинда, илму маърифатга интилишни ўзларининг Олий мақсад ва ниятлари қилиб белгиласинлар. Ана шундагина биз халқимизнинг дунё халқлари орасидаги мавқеини янада баланд кўтарган бўламиз.*

*Ҳа, юртнинг келажаги ёшларга боғлиқ. Бу аксиома. Уларнинг маънавий ва жисмоний соғломлик даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат равнақи ҳам шунчалик юксалиши табиий. Зеро, жуссаси соғ, онги кенг қамровли, тафаккури юксак даражали ёшлар юртимизнинг келажагини порлоқ этувчилар бўлишлари турган гап. Дарҳақиқат шундай экан, бутун диққат-эътибор, бор имконият шунга қаратилмоғи даркор. Демак, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир" деган гаплари қалбимиздан чуқур ўрин олмоғи шарт. Чунки мустаҳкам оила қурган ва оилани кўз қорачиғи деб билган ёшлар тарафидан келажакнинг энг илк нуқтаси қўйилади ва мана шу нуқталардан эса келажак пойдеворининг дастлабки ғиштлари ташкил топади. Мана шу ғиштларнинг қай даражада қўйилиши, пишиб, етилиб, тобланиши ва Ватан деб аталган қутлуғ, муқаддас қўрғонга хизмат қилиши барчамизнинг, шу жумладан ёш ота-оналарнинг маънавий, маданий, онг ва тафаккур тушунчалари билан чамбарчас боғланиб кетган.*

(Давоми бор)

# ҲАМКОРЛИК ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, дунё мамлакатлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик ишлари юзага келди. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Мустақиллик туфайли ўзбек ўқувчилари, ўқитувчилари хорижда таълим олмоқда, билим бермоқда. Шу йўл орқали таълим ҳамкорлиги давом этмоқда. Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши — АКСЕЛснинг ҳам мақсади — таълим ҳамкорлиги. Бундай ҳамкорлик эса икки томоннинг ҳам таълим жараёнида эришадиган ютуқларининг бош омили бўла олади. Учинчи йилдирки, АКСЕЛС Ўзбекистонда фаолият юритмоқда. Шу муддат ичида юртимизда "Таълимдаги аълочилик учун мукофот" дастури орқали танлов ўтказиб, ўзбек ўқитувчиларига АҚШнинг Монтана Давлат университетида малака ошириш имкониятини яратиб бермоқда. Шу билан бирга америкалик ўқитувчиларнинг Ўзбекистонга келиб, мамлакатимиз тил маданиятини ўрганишларини таъминламоқда.**

**Куни кеча Республика таълим марказида 1998-1999 йилларда АҚШда малака ошириб келган ўзбекистонлик ва юртимизда тажриба алмашаётган америкалик ўқитувчиларнинг дўстона учрашуви бўлиб ўтди.**

**— АКСЕЛС дастури Ўзбекистонда ўзини оқламоқда. Бу ташкилотнинг ўқувчилар дастури бўйича 300 нафардан ортиқ ўқувчимиз Америкада таълим олиб келишган эди. Энди ўқитувчилар дастури ҳам фаолият юритмоқдаки, бунинг мақсади америкача таълимни юртимизда ва ўзбекча таълимни АҚШда тарғиб қилишдан иборатдир. Хуллас, ўқитувчи ўқитувчини, ўқувчи ўқувчини тушунса, бир-бирини англаса, таълимда тараққиёт юзага келади, — деди Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев.**

**Шунингдек, анжуманда Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши — АКСЕЛС директори Майкл Куртис ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Марк Асквинолар иштирок этишиб, таълим ҳамкорлигининг ютуқлари ҳақида сўзладилар.**

**Ушбу дўстона учрашув ҳар икки давлат ўқитувчиларининг таълим соҳасидаги фикр-мулоҳазалари билан якунланди.**

**Маҳзуна КЕНЖАЕВА**

# НАФАҚАТ АҚЛЛИ, БИЛИМЛИ БЎЛИШ ҲАМ ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биринчидан, болани мактабга тайёрлаш масаласи, аксарият ота-оналар болани 6 ёки 7 ёшга тўлиши билан мактабга тайёр деб ҳисоблайдилар. Боланинг ахлоқий, ақлий ва эмоционал етуклиги ҳақида деярли қайғурмайдилар. Боланинг математик саноқни билиши, қалам ушлаши, ҳарф таниши билан мактабга тайёр дея ўйлайдилар. Аксарият ҳолда, шуни ҳам эътиборга олмайдилар ва бу мактабнинг вазифаси деб ҳисоблайдилар. Хуллас, боланинг психологик ривожланишига, мактабга тайёргарлик даражасига бефарқ қарайдилар. Энди савол туғилиши табиий. Нима учун? Унинг сабаби нимада? Агарда масалага чуқурроқ ёндашиб таҳлил қилиб кўрсак, қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Аввало, бизнинг ҳаётимизда оила қуришга алоҳида эътибор берилади. Қиз болани тезроқ узатиб жойига топширишга ва унинг фарзандли бўлишига катта эътибор берилади. Оилада эса аёллик вазифасини бажариш биринчи ўринга қўйилади. Унинг оналик вазифасидан уй-рўзғор ташвиши, оила аъзоларига хизмат қилиши устун туради. Фарзандининг қорнини тўйдириб, устини бут қилиб қўйса бўлди, боланинг руҳий оламига алоҳида вақт ажратиш шарт эмас. Ачинарли томони шундаки, кўп оналарнинг ўзлари буни истамайдилар.

Ёш оналар фарзандларининг жисмоний, психологик ривожланиши, унинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ҳақида кам маълумотларга эгадирлар ёки баъзан тасодифан ўзидан катта аёлларнинг ўгитлари асосида ўзлаштирилади ва улар ягона тизимга эга эмас.

Демак, оилада фарзандга нисбатан муносабат ахлоқий жиҳатдан олиб қаралади, алоҳида урғу берилади-ю, лекин ақлий ривожланишига эътибор чекланиб қолади.

Иккинчидан, оиланинг боланинг таълим-тарбия ишини бутунлай мактаб зиммасига юклаб қўйишлари ва боланинг мактабдаги ҳаёти билан қизиқмасликлари.

Боланинг фанни қанчалик ўзлаштириши, қайси фанга қизиқиш ёки қизиқмаслигига унинг ақлий камолоти учун интилиш ёки интилмаслиги сабабларини аниқлашга бефарқлик билан қарайдилар. Одатда, ота-она "ўқиб олим бўлармидинг, тирикчиликни ўтказишни билсанг бўлди" қабилида муносабатда бўладилар.

Учинчидан, мактаб ва оиланинг ҳамкорлик фаолияти йўлга қўйилмаслигидир.. Бир йилда 3-4 марта ота-оналар йиғилиши ўтказилади ва бунда ҳам баъзи ташкилий ёки моддий масалалар кўрилади холос.

Бизнингча, бу номутаносибликнинг олдини олиш учун, аввало ота-оналарни етарлича билимлар билан таъминлашимиз лозим. Маълумки, бугунги кунда туман ҳокимлиги ва маҳаллалар фаолияти ва уларнинг бошқарув соҳасига катта эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида халқимизнинг талаб ва эҳтиёжларига жуда мос тушади. Шундай экан ҳар бир туман ҳокимлигида, маҳаллаларда ота-оналар учун кечки мактаблар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу мактаб ёш оилалар учун мўлжалланган бўлиб, унда биринчидан, ёш келинларни она бўлишга тайёрлаш, уларга керакли билимларни етказиш, ҳомиладорлик даврида бола ўсишининг ўзига хос хусусиятлари, унга салбий ва ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида маълумотлар берилади. Яъни улар эмоционал - руҳий жиҳатдан оналикка тайёргарлик кўради.

Иккинчидан, ёш оталарга ота бўлишга, ҳомиладор рафиқасига бу даврда қандай муносабатда бўлиши, ёш фарзанди учун қандай масъулиятларга эга бўлиши, оталар роли ҳақида маълумотлар берилади.

Учинчидан, ота-оналарни психологик педагогик билимлар билан таъминлаш жаҳон таълим-тарбиясининг тажрибасидан хабардор этиш, уларда ягона билимлар тизимини ташкил этишдан иборатдир.

Кечки мактабларда республикамизда фаолият кўрсатаётган етакчи мутахассис олимлар, психолог-педагоглар, файласуфлар, ёзувчи шоирлар, санъаткорларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Машғулотлар зерикарли маърузалар ўқиш тарзида эмас, балки баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмаштириш, ўйинлар тарзида ўтказилишини таклиф этамиз.

Албатта, кўтарилаётган масаланинг ўзига хос нозик жиҳатлари кўп. Чунки, бу бевосита ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир нуқтаи назари билан ёндашишни талаб қилади. Бунда ижодий муҳитни барпо этиш, шахсларнинг ўзаро муносабати, ишончи, ўзаро ҳурмати, энг асосийси, ихтиёрий интилиш ҳисси пайдо бўлгандагина самарали фаолият амалга ошади.

**Р. ИСМОИЛОВА,**
**ЎзМУ психология кафедраси ўқитувчиси**

# Республика халқ таълими XXI аср бўсағасида

## (Халқ таълими ходимларининг 2000 йил анъанавий Август кенгашларига тавсиялар)

**Маърузалар матнида қуйидаги муаммолар ёритилиши лозим:**

1. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан Президент фармонлари, Республика Қонунлари, ҳуқуқий ҳужжатлар, Халқ таълими вазирлиги буйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилиши.

2. Бир ўқув йили мобайнида туман (шаҳар), вилоят халқ таълими муассасаларининг ўқув - тарбия жараёнида эришган натижалари.

3. «Болаларни мактабга тайёрлаш дастури»нинг бажарилиши.

4. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларининг таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши аҳволи.

5. Ўқувчиларга берилаётган фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилаётгани, давлат таълим стандартлари мониторинги натижалари таҳлили.

6. Вилоят, туман (шаҳар) миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари якунлари.

7. Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўқув - тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар. "Тажриба - синов майдончалари" даги ишларнинг илмий-методик таҳлили.

8. Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими жорий этилиши.

9. Таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг олиб кирилиши, бу борада эришилган ютуқ ва камчиликлар.

10. «Меҳрибонлик уйлари» фаолияти таҳлили, ҳомийлар билан ҳамкорликда бу хилдаги муассасалар моддий - техник таъминотини янада яхшилаш масалалари.

11. Туман (шаҳар) миқёсида ташкил этилган «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази»нинг фаолияти. 6 ёшли болаларни диагностик кўрикдан ўтказиш натижалари ва бу соҳадаги вазифалар.

12. Мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасаларнинг бир йиллик фаолияти якунлари.

13. Спорт ва бошқа оммавий тадбирларнинг бажарилиши.

14. Туман (шаҳар) таълим-тарбия муассасаларидаги болалар ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари.

15. Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг дарслик, дастур, методик қўлланмалар ва техник воситалар билан таъминланиши аҳволи.

16. 9,11—синф битирувчиларини ўқишга ва касб-ҳунар эгаллашга жалб қилишнинг аҳволи. Ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг бир йиллик таҳлили.

17. Мактабларда оила, маҳалла, жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларнинг аҳволи.

18. Услубий ишларга (илғор тажрибаларни оммалаштириш, янги дарс шакллари ва ҳ.к.) эътибор.

19. Халқ таълими муассасаларининг моддий-техник ҳолати.

20. Ўқув йили давомида фойдаланишга топширилган янги ўқув бинолари, олиб борилган капитал ва жорий таъмирлаш ишлари.

21. Мактабларда, болалар боғчаларида йўл ҳаракати хавфсизлиги дарслари ва машғулотларини ўтказишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари.

22. Бюджетдан ташқари ҳамда ҳомийлар, маҳалла, ота - оналар, меҳнат жамоалари ёрдамида қўшимча маблағ яратиш тажрибалари.

23. Ёш мутахассисларга эътибор, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда малакасини ошириш масалалари.

**Янги 2000-2001 ўқув йилида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги масалалар Август анжумани қатнашчилари диққат-эътиборига етказилиши зарур:**

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ва Давлат дастурини бажариш соҳасида вазирлик томонидан белгиланган ишларни амалга ошириш;

— Республика таълим муассасаларида Президент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари", "Буюк келажак сари", "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда", "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда," «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» сингари илмий-назарий асарларини ўрганишни давом эттириш;

— таълимга илғор иш шакллари ва услубларини олиб киришда, таълим муассасалари моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашда самара берадиган омиллардан фойдаланаётган туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари иш тажрибасини оммалаштириш;

— ўқув йилининг якунлари, янги ўқув йилига тайёргарлик, таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, ўқувчиларни дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлаш ишларини чуқур таҳлил этиш, натижаларини мактаб, туман(шаҳар), вилоят миқёсида атрофлича муҳокама этиш, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш;

— "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан 9-синф битирувчиларини 10-синфга, касб-ҳунар коллежларига, академик лицейларга тўлиқ жалб қилиш ишларини тегишли муассасалар ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш;

— 2000 йил 2 сентябрга қадар республика «Ўқувавтоматика" ташкилоти билан шартнома асосида носоз бўлган компьютерларни таъмирлаш чораларини кўриш;

— тасдиқланган капитал қурилиш адресли режа-дастурига асосан амалга оширилган ишларнинг туманлар кесимидаги таҳлилларида қайд этилган нуқсонларни ҳамда таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлашдаги муаммоларни маҳаллий ҳокимиятлар билан келишилган ҳолда ҳамкорликда бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— 2000-2001 ўқув йилида барча ўқувчиларни зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминлаш;

— республикамизнинг "Давлат тили ҳақида"ги, "Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Қонунлари асосида мактабгача таълим, ўрта ва олий педагогик таълим тизимида бошланган ишларни самарали давом эттириш;

— мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия ишлари сифати ва самарадорлигига эришиш;

— таълим жараёнига янги педагогик технологияларни дадил олиб кириш, бу соҳадаги тажрибаларни кенг ёйиш ва оммалаштириш;

— жойларда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган (ихтисослашган) синф ва мактаблар сонини кўпайтириш ва уларни юксак малакали ва тажрибали педагогик кадрлар билан таъминлаш;

— таълим муассасаларида меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, ўқувчилар давоматининг талаблар даражасида бўлишини таъминлаш,

— ўқувчиларнинг пухта билим олишларини таъминлашда ота-оналарнинг, фан ўқитувчиларининг масъулиятларини ошириш;

— таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг чиннакам оммавийлигини таъминлаш;

— жойлардаги "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари" ишини тубдан яхшилаш, уларнинг самарадорлигини ошириш;

— мактаб ўқувчиларининг дарслик ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминланиши учун ота-оналар, маҳалла аҳли, ҳомий ташкилотлар ва муассасалар кўмагини ташкил этиш;

— ҳомий ташкилотлар ҳисобидан дарсликларни сотиб олиш имкониятларини қидириб топиш ва муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш чора- тадбирларини кўриш;

— мактаб кутубхоналари фондини зарур сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, бадиий, ўқув адабиётлари, газета ва журналлар билан етарлича таъминлаш юзасидан ҳокимликларга талаб ва таклифлар билан чиқиш;

— таълим муассасаларини педагогик кадрлар билан етарлича таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, кадрлар муаммоси юзасидан таълимнинг бошқарув органларига тегишли таклифлар тайёрлаш;

— маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда режадаги мактаб биноларининг қурилишини ниҳоясига етказиш, уларни зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва замонавий компьютерлар билан таъминланишини жонлантириш;

— маҳаллий ҳокимликлар диққат-эътиборини қурилиши тугалланмаган, мактаб, боғча биноларининг қуриб битказилишига, таълим муассасаларининг газлаштирилишига, телефонлаштирилишига, тоза ичимлик суви билан таъминланишига, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига жалб этиш;

— маҳаллий ҳокимликлар, ҳомийлар, оталиқ ташкилотлари ёрдамида таълим муассасалари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш, таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш бўйича имкониятлар бериш;

— таълимимиз истиқболи ва тараққиётини кўзлаган ҳолда МДҲ давлатлари ҳамда хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни давом эттириш;

— таълим бошқаруви органлари ва таълим муассасаларини истиқлол ғояларини, миллий қадриятларни чуқур англайдиган, фидойи, ташкилотчи, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш;

— халқ таълими бошқарув органлари ва улар тасарруфидаги таълим муассасаларининг республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение билан ҳамкорлигини кучайтириш.

Кенгашларнинг шўъба йиғилишлари ҳам фаоллик, ишчанлик руҳида ташкил этилиши ва уларда қуйидаги тахминий мавзуларда чиқишлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Шўъба йиғилишларини ташкил этишда таълим-тарбия муассасаларидаги лавозимлар, мутахассисликлар, фан йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниши зарур.

### Мактабгача таълим муассасалари ходимлари шўъбасида:

— мактабгача таълим муассасалари бир йиллик фаолиятининг таҳлили; «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилиши;

— мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятини режалаштириш;

— таълим -тарбия тизимига янгича метод, усул ва воситаларнинг жорий этилиши;

— изланувчан, илғор, ташаббускор тарбиячилар иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш;

— «Болаларни мактабга тайёрлаш» давлат дастурининг бажарилиши масалалари;

— мактабгача таълим муассасаларининг моддий -техник аҳволи, уни яхшилаш юзасидан ота-оналар, маҳалла билан ҳамкорлик;

— мактабгача таълим муассасаларига мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш муаммоларини ҳал этиш.

### Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари шўъбасида:

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг муассаса миқёсидаги ижроси;

— Президент И.А.Каримов асарларида миллий ғоя ва миллий мафкура тарбиясининг долзарб масалалари ;

— баркамол ва соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган ҳукумат қарорлари, Давлат дастурларининг бажарилиши;

— Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг таълимни ислоҳ қилиш бўйича тадбирлари, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ички назоратни йўлга қўйиш, бошқарув тизимини такомиллаштиришга доир қарор, буйруқ, кўрсатма ва тавсияларининг бажарилиши;

— йиллик иш режасининг ижроси;

— муассасалардаги таълим-тарбиянинг ўтган ўқув йилидаги аҳволи (таълим мазмунининг такомиллашуви; илғор ва янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши; кадрлар таъминоти; балоғатга етмаган ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлар, янги таълимий ва тарбиявий воситалар, урф - одатларнинг жорий этилиши; ақидапарастлик, диний экстремизм ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилиши);

— муассаса моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг дарсликлар, мактаб кутубхона жамғармасини дарсликлар ва бадиий, методик адабиётлар билан таъминлаш масалалари;

— ота-оналар, маҳалла, ҳомий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик самаралари каби долзарб масалалар муҳокама этилиши зарур.

### Илмий-методик ва ўқув жараёни учун масъул раҳбарлар шўъбасида:

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида "ги 203 - сонли, 1999 йил 16 августдаги " Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 390 - сонли қарорлари асосида таълим муассасаларида ДТС ва янги ўқув дастурларининг жорий этилиши;

— таълим жараёнида янги педагогик технологияларни (рейтинг, тест ва бошқалар) қўллаш соҳасида олиб бориладиган тажриба - синов натижалари;

— муассасаларда мониторинг тизимини жорий этиш масалалари;

— фанлар бўйича ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини ошириш муаммолари;

— истеъдодли ва қобилиятли, ўткир зеҳнли ўқувчилар билан ишлашда ташхис марказлари билан ҳамкорлик дастурларининг жорий этилиши;

— муассасаларда методик ахборот ва таъминотни йўлга қўйиш, методбирлашма фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

— ёш мутахассислар билан ишлаш, "устоз - шогирд"лик анъаналарини янги босқичга кўтариш масалалари;

— таълим жараёни шакли ва мазмунига янгиликлар олиб кираётган, илғор, тажрибали ўқитувчилар иш фаолиятини оммалаштириш;

— ўқитувчиларнинг малака ошириши ишларини мувофиқлаштириш, уларнинг миллий ва жаҳон илғор педагогикаси тажрибалари билан танишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

### Маънавий - маърифий ишлар ва қўшимча таълим муассасалари раҳбарлари шўъбасида:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида маънавият ва маърифат масалаларининг ёритилиши;

— Республикамизнинг "Соғлом авлод" давлат дастурининг туман, муассаса миқёсидаги ижроси; мустақиллик мафкурасига содиқ ва собит, билимли, маънавий етук, баркамол авлод тарбиясида синфдан ва мактабдан ташқари қўшимча таълим муассасаларидаги таълимий ва тарбиявий ишларнинг ўрни ва аҳамияти;

— муассаса (мактаб)ларда ўқувчиларнинг ўз - ўзини бошқариш ташкилотларини, уюшмаларини ташкил этиш муаммолари;

— маънавият ва қўшимча таълим муассасалари иш фаолиятларининг самарадорлигини ошириш йўллари;

— қўшимча таълим муассасаларининг режа ҳамда дастурларини такомиллаштириш ва янгилаш муаммолари;

— балоғатга етмаган ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан тарбиявий тадбирлар;

— муассасаларда маънавий тарбия ишларини режалаштириш ва ўтказишнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш;

— маданий-маърифий, спорт тадбирларининг оммавийлигини таъминлаш масалалари;

— туман, вилоятдаги ҳомий ташкилотлар, турли жамғармалар, ота-оналар билан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари.

### Умумтаълим фанлари ўқитувчилари ҳамда синф раҳбарлари шўъбаларида:

— Республикамизда таълим ислоҳотлари ва таълим мазмунининг янгиланиши;

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори асосида ДТС ва фанлар бўйича янги дастурларнинг жорий этилиши;

— фанлар таълими жараёнида янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши;

— ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими моҳияти, уни жорий этиш муаммолари, тажриба-синов натижалари;

— фанлар таълими жараёнида ўқувчиларда чуқур билим, миллий ғоя ва миллий мафкура, халқимизга хос юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтириш;

— таълим жараёнида ўқувчилар онги, қалби ва шу ўринда она- Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, фаоллик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, одамийлик хислатларини тарбиялаш;

— ўқитувчининг маънавий-ахлоқий қиёфаси, унинг мустақил Ўзбекистон таълими ривожидаги ўрни;

— ўқитувчи, синф раҳбарининг ўз ўқувчиларини юксак маънавий фазилатлар, миллий ғоя ва мафкура соҳиблари этиб тарбиялашга йўналтирилган таълимий ва тарбиявий ишлари;

— балоғатга етмаган ўқувчилар ўртасида қонунбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва ақидапарастлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ташкил этиш, уларнинг самарадорлигига эришиш;

— ўқитувчи, синф раҳбарининг ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш.

**ХТВ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОШ БОШҚАРМАСИ**

*"Авесто"да аждодларимизнинг энг қадимий шеърлари, мусиқа, бадиий тафаккур мевалари, диний ақидаларию илмий дунёқарашлари мужассамлангани аниқ.*

*Жорий йилда кичкинтойлар масканида кам таъминланган оилаларнинг боғчага қамралмаган 9 нафар фарзандлари мактабга тайёрланаётир.*

Moziydan sado

# "АВЕСТО": ТАРКИБ ВА МОҲИЯТ

Шарқшунослар орасида "Авесто"нинг яратилиши ҳақида турли фикрлар мавжуд: айримлар унинг таркибидаги энг кўҳна мадҳиялар, мифлар ва мифологик образларга асосланиб, ёдгорликнинг дастлаб қисмлари эрамиздан олдинги IX асрларда яратилган, деган хулосага келишган. Улар баъзи матн ва мадҳиялар яккахудолик эътиқоди пайдо бўла бошлаган илк пайтларда коҳинлар томонидан ёзилиб, кейинчалик, "Авесто"ни ёзганлар улардан ҳам фойдаланганлар, деб уқтиришади. Бир гуруҳ авестошунослар китобнинг ёзила бошлашини бевосита Зардуштнинг Саблон тоғида кечган ҳаёти билан боғлайдилар ва бунда ҳотлар асосан пайғамбар шеърларидан ташкил топганига суянадилар. Ҳар ҳолда, "Авесто"да аждодларимизнинг энг қадимий шеърлари, мусиқа, бадиий тафаккур мевалари, диний ақидаларию илмий дунёқарашлари мужассамлангани аниқ.

"Авесто" Зардушт ва маздопарастлик дини уламолари томонидан ёзилиб, тўпланиб бўлгач, махсус котиблар томонидан 12 минг ҳўкиз терисидан тайёрланган қоғозга олтин суви билан кўчирилган. Бу ҳақда "Тарихи балъамий"да ҳам аниқ маълумот мавжуд. Македониялик Александр (Искандар) Эронни босиб олгач, "Авесто"нинг подшолар хазинасида сақланаётган энг нодир нусхаларининг ўзига керакли жойларини таржима қилдириб олиб, қолганини ёқтириб юборган. Сасонийлар сулоласининг дастлабки подшоси Ардаршер Бобокон Ҳирбадан номли донишмандга "Авесто"ни қайта тиклаш вазифасини топширади. У бир қанча зардуштий уламолар билан ҳамкорликда обидани қайта ёзиб олиб, янгидан тартиб беради. Шундан сўнг Шопур Икки даврида муъбадларнинг муъбади Озарпод Меҳроспин "Авесто"нинг пароканда қисмларини тўплаб алоҳида мажмуа тузади. Араблар истилоси даврида ўз эътиқодларида собит қолган юзлаб эронийлар хонадони Жанубий Ҳиндистонга ҳижрат қиладилар. Улар ҳозиргача зардуштийлик удумини асраб қолишган. Уларнинг Бомбайда зардуштийлик удумини ўрганадиган Кома илмий маркази ҳам мавжуд. Ана шу маънавият ўчоғида Ардаршер даврида кўчирилган "Авесто" нусхалари сақланади. Шунингдек, китобнинг бир қўлёзмаси Санкт-Петербург шаҳридаги Салтиков-Шедрин номидаги Давлат кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ҳам сақланмоқда. Бундан ташқари, "Авесто" XIX асрнинг ўрталаридан француз, инглиз ва немис тилларида илмий изоҳлар билан бир неча марта нашр этилган: рус ва ўзбек тилларида ҳам "Авесто"нинг алоҳида қисмларининг таржималари эълон қилинган. Хуллас, бизгача бу китобнинг 4 дан бир қисми сақланиб қолган бўлиб, у 1278 йили кўчирилган. Ёдгорликнинг асосий қисмлари 3-4-5 мисрадан иборат халқ қўшиқлари йўлида битилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳотлар ёки Готлар: ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бу қисмнинг асосини ибодат пайтида ижро этиладиган қўшиқлар ташкил қилади. Китобнинг 17 боби Зардушт мадҳиялари, пайғамбарнинг тангри билан мулоқоти баёнидан иборат. У Зардуштнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ягона манбадир.

2. Яштлар: маздопарастларнинг Яздонни мадҳ-тавсиф этадиган, махсус оҳанглар асосида ижро этиладиган қўшиқлар. У 22 бобдан ташкил топган.

3. Виспарад: 24 бобдан иборат бу қисм ибодат матнлари, йўсинлари баёнидан иборат.

4. Вендидод: девлар, зулмат кучларига қарши қонунлар мажмуаси. Турли мавзудаги парчалар, илмий, тарихий, фалсафий, тиббий тафсилотлар мажмуи. 22 бобдан ташкил топган қисмда зардуштийларнинг диний ва дунёвий ақидалари бирмунча батафсил баён этилган.

5. "Хорда Авесто": бу "Авесто"дан сайланма тўпламдир. Унда пайғамбар Зардушт мадҳиялари, қироат ва ёдлаш учун мўлжалланган матнлар алоҳида китоб сифатида тартиб берилган.

Маълумки, "Авесто"даги сўз, ибора ва тушунчалар ботиний ҳамда зоҳирий маъноларга эга бўлиб, оддий ибодатчи учун тушунарсиз бўлган. Шунинг учун мусиқа жўрлигида ижро ва қироат олдидан мадҳия ва матнларни махсус уламолар изоҳлаб, тушунтириб боришган. Натижада бир гуруҳ шарҳчилар, бир силсила "Авесто" шарҳлари вужудга келган. Бундай тўпламлар илмда "Зенд Авесто" деб юритилган. Улар кейинчалик "Авесто шарҳлари" номи билан пахлавий тилига таржима қилинган. Авестоларнинг аниқ маълумотларига қараганда, ёдгорликнинг бизгача етиб келган қисми бир миллион 300 минг калимадан иборат.

Шу ўринда биз муҳтарам китобхонларни "Авесто"нинг янги икки жилдли форсий насрий табдили нашрининг мундарижаси билан мухтасар таништириб ўтишни лозим топдик. Ёдгорликнинг биринчи китоби табдилчи ва нашрга ҳозирловчи Жалил Дўстхоҳнинг муқаддимаси, Устод Иброҳим Пурдовуднинг батафсил тадқиқоти, қисқартмалар кўрсаткичидан ташқари, Ясна-Ҳот, Яшт, Виспарадлардан ташкил топган. Бу бўлимлар айни пайтда турли номдаги ички қисмларга ҳам тақсимланган. Иккинчи жилд эса Виспараднинг давоми. Хорда Авесто, Вендидоддлардан иборат. Ушбу китобнинг катта қисмини изоҳлар, турли шарҳлар, батафсил кўрсаткичлар ташкил этади. Ҳар икки жилд ҳам "Авесто" матнининг ҳозирги форс тилидаги насрий табдили.

"Авесто"да зардуштийлик динининг қонун-қоидалари, фарз ва суннатлар, Яздони покнинг яккаю ягона яратувчилик қудрати таърифию мадҳи билан бирга ижтимоий ҳаёт, турли ижтимоий табақалар, моддий олам, 16 кишварнинг яратилиши, ҳар хил касб соҳибларининг турмушда тутган ўрни, дунё ва инсоннинг нокомиллиги, мавжуд тузум тартибнизомлари, уларнинг мусбат ва манфий томонлари, маздапарастликнинг асл моҳияти, бошқа динлардан фарқи, инсон тафаккурининг мутлақ моя билан боғланганлиги ва бошқа кўп масалалар хусусида фалсафий мушоҳадалар юритилади. Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, қизларни ўқитиш, ҳунар ўргатиш, уларни оилавий турмушга тайёрлаш хусусида ҳам ибратомуз фикрлар мавжуд. Жумладан, Зардушт баҳор ойининг биринчи ҳафтасидаги бир кунни "Аёллар байрами" сифатида нишонлашни жорий қилган.

Маълумки, маздопарастлик динига Зардушт асос солди. У будпарастлик, ашёпарастлигу девпарастликка, кўп худолик, унинг касофати ўлароқ ҳукм сурган жоҳилиятга қарши узоқ давом этган кураш натижасида пайдо бўлди.

Ҳот ва Яштларни кўздан кечирар эканмиз, Зардушт ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётда бир ислоҳотчи сифатида гавдаланади. "Бу дин, — дейди у, — беҳуда қирғин урушларни бартараф этади, жангариларнинг йўлини тўсади". Зардушт таълимоти кишиларни фақат диний аҳкомларни ўрганиб, ибодат билангина шуғулланишга, гўшанишинликка даъват этмайди. Аксинча, унинг ақидалари кишиларни фаолликкка, яратувчиликка, "нокомил дунё"ни такомиллаштириш учун интилишга, курашишга ундайди. У руҳият (равон)да Тангрини асраб, тилда ибодат қилиб, ерга икки қўллаб ишлов бериш лозимлиги, чорвани кўпайтириб, боғлар ўстириш зарурлигини қайта-қайта уқтиради. Унингча, инсоннинг яшашдан мақсади метиндек эътиқодли бўлиб, юртни обод, элни фаровон, турли қавмларнинг бир-бири билан дўст, иноқ бўлиб яшашини таъминлашдан иборат бўлмоғи зарур. Шунинг учун ҳам "чўлга сув чиқариб, ернинг шўрини ювиб, захини қочириб, ерга ишлов берганлар" энг мўътабар инсонлар ҳисобланади. Ҳатто подшоҳ Жамшид Тангри буйруғи билан энг қаттиқ совуқларда одамларни асраш учун ер ости шаҳарларини қурган. Барча авестошунослар Зардуштни Шарқ фалсафий тафаккурига ахлоқ категориясини олиб кирган, деб таъкидлашади. Шунинг учун ҳам улар Зардуштнинг "Амударё нақадар буюк ва суви қанчалик пок ва ширин бўлса, бизнинг дин ҳам шунчалик буюк ва покиздир", деган сўзларини кўпинча иқтибос қилиб келтирадилар. Гарчи, Ҳот ва Яштларни, асосан, Зардушт мадҳиялари, унинг Яздон билан савол-жавоби ташкил қилса ҳам, унда пайғамбарнинг ижтимоий келиб чиқиши, аждодлари, ота-онаси, фарзандлари, мураккаб саргузаштию Саблон тоғида кечган умри, чашма бўйида ваҳий келиши, фаришталар Хўрдод ва Амрдод, янги динни биринчи бўлиб қабул қилган Модиюнмоҳларнинг Зардушт шахсининг шаклланишидаги ўрни хусусида ноёб маълумотлар, далиллар мавжуд. Шунингдек, ушбу қисмларда Қуёш, Ой, Юлдузлар туркуми, уларнинг ҳаракати, жойлашиши, таносиби, ойнинг 15 кун давомида кичрайиб бориши қонуниятлари ҳақидаги фикрлар хийла мароқлидир. Алоҳида Яштларда эл, юрт посбонлари, чорва молларини қароқчилар, девлардан ҳимоя этувчи жасур ўғлонлар мадҳи кучли.

Энг муҳими шундаки, бу исмлар деярли бошидан охиригача халқ оғзаки ижоди унсурлари, мавзу ва тимсоллари билан эришиб, зийнатланиб боради. "Ҳаёт илдизи" ҳисобланмиш мўъжизавий шарбат Хум, илоҳий куч ва қудрат соҳиблари Митра, Арависсура, Анаҳито, Оша, Баҳром, Қаюмарс, Жамшид, Гершасп ва бошқа мифологик тимсоллар ҳақидаги тафсилотларнинг ҳар бири ўнлаб саҳифаларни ташкил қилади. Биргина Ардвиссура Анаҳито ҳақидаги парчаларни бир-бирига боғлаб, узвийликда ўқилса, халқнинг беқиёс асл баҳодири ҳақидаги бир қиссани эслатади. Айни пайтда зикр этилган бўлимларда кўҳна Шарқ хроникаларида тилга олиниб, кейинчалик бадиий адабиётда анъанавий тимсолларга айланган ўнлаб афсонавий, тарихий шахслар, шаҳаншоҳлар, айрим сулолалар ҳақида ҳам ноёб маълумотлар сочилиб ётибди. Ҳатто туронлик унчалик шуҳрат топмаган баҳодирлардан Гарсиваз ва Ағириеслар ҳақида ҳам аниқ далиллар мавжуд. Бу бўлимлар жуда катта ижтимоий-фалсафий, тарихий, ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга.

"Вендидод"да Зардуштийлик дини удумлари, маросимлари, ибодат пайтида ўқиладиган матнлар кенг ўрин олган, савол-жавоблар жараёнида тушунтирилиб, изоҳланган. Гарчи бу масалалар Зардуштнинг саволи ва Яздонинг жавоби сифатида баён этилса-да, ҳаммасининг аслмояси Тангри эканлиги шарҳларда пухта идрок этилиб, изоҳлаб берилади. Шунингдек, ушбу қисм Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг милоддан бир неча аср олдинги тарихи, жуғрофияси, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, ҳарбий ҳунармандчилик, мактаб, мадраса, хусусий таълим тарихини ўрганишда алоҳида қимматга эга. Таълим ва тарбиянинг ҳаётий моҳияти, муаллим-устозларнинг жамият маънавий қиёфасини белгилашдаги, инсон камолотидаги ўрни хусусидаги мулоҳазалар ҳам диққатга молик.

Ижтимоий табақалар таснифи, уларнинг жамиятда тутган ўрни, бурч ҳамда вазифалари ҳақидаги мулоҳазалар, афсонавий ва буюк шахслар, сулолалар шажараси ҳақидаги қайд ва шарҳлар қадимги Турон ва Эрон халқлари тарихини ўрганишда камёб манбалардир.

"Авесто"даги экологияга доир фикрлар катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шаҳарларни, маҳалла, гузарларни обод этиш, ариқ ва ҳовузлар атрофини покиза тутиш, бу жойларда мол боқмаслик, гўристон ичи ва атрофига арча, сандал дарахтлар ўтқазиб, у ерларга мевали кўчатлар экмаслик, мурдашўй озодалиги сингари қатор маслаҳатлар ҳам кони фойда ўгитлардир.

"Авесто"нинг илмий ва маърифий қиммати чексиз. Ёдгорликда оламнинг яратилиши, тарихдаги Нуҳ тўфонига ўхшаш Жамшид замонида юз берган инсониятга қирғин келтириши мумкин бўлган қаҳратон қиш ва ундан башариятни қутқариб қолиш тадбирлари тафсилотлари кишини ҳайратга солади. Тангри халқ қилган 16 кишварларнинг барчаси аниқ ҳадҳудуди билан баён этилган. Бу кишвар — мамлакатларнинг биринчиси Эрон Виж — Хоразм эканлиги илмда исботланган. Ёки дунёдаги 2244 та тоғ, минглаб дарёлар, уларнинг жилғалари сонлари, қайси тоғларда абадий музлик мавжудлиги, дарёлар қайси тоғлардан бошланиши аниқ санаб ўтилган. "Ҳукар /Помир/ тоғидан оқиб келадиган Дарёни Фарохи Карт /Амударё/да мингта жилға ва мингта анҳор" борлиги ёзилган. Амударёдан ажралиб чиққан Вангҳаздо ва Хусрав сойи ҳақида маълумот бор.

Табобатга доир мулоҳазалар "Вендидод"нинг каттагина қисмини ташкил қилади. Унда мингдан зиёд доривор ўсимликларнинг номи, улардан малҳам тайёрлаш йўллари берилган. Турли касалликларнинг таснифи, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари баён этилган, даволашнинг 12 усули, жумладан, руҳий касалликларни дуо билан тузатиш йўллари кўрсатилган.

Жарроҳ ўз тиғини уч марта ҳайвонда, уч маротаба девпарастда синаб кўрса, ҳар 6 ҳолатда бемор тирик қолсагина бошқа одамларни даволашга ижозат этилган. Бундан ташқари, китобда ўша даврдаги Турон, Хуросон, Эрон халқларининг тарихи, қонунчилиги, хусусий таълим, мактаб ва мадраса типидаги таълим тизимлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

**Ҳомиджон ҲОМИДИЙ,**
**профессор**

***Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 588-болалар боғчасида 420 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир. 2000 йил — Соғлом авлод йилида маскандаги таълим-тарбия соғлом авлод учун йўналтирилганлиги боис, тарбиячилар маънавиятли, жисмонан бақувват, ватанпарвар, инсонпарвар ворисларни вояга етказиш мақсадида ҳаракат қилмоқдалар. Болалар гулшанида каратэ, рақс, хор, доира, инглиз тили тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатяпти. Ёпиқ сув ҳавзасида дилбандлар сузишни ўрганмоқдалар. "Бегойим" гуруҳидаги қизалоқлар эса касбга оид илк сабоқлардан баҳраманд бўлаётирлар. Гуруҳнинг 28 нафар аъзосига миллий урф-одатлар, салат тайёрлаш, каштачилик, тикувчилик, одобнома ҳамда рақс сирлари ўргатилаяпти.***

***Суратларда: 1. Тарбиячи Шаҳноза Муҳамедова раҳбарлигида жажжи қизларга каштачиликнинг нозик сирлари сингдирилаётир. 2. Аълохон Умурзоқова раҳбарлигида тарбияланувчилар мурғаклик давриданоқ салат тайёрлаш йўлларини ўрганмоқдалар.***

**Равиль АЛЬБЕКОВ**
**олган суратлар.**

## ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ДАРСЛИКЛАР

***—Янги ўқув йилида 46 та номдаги дарсликлар чиқаришни режалаштирган бўлсак, бугунги кунга келиб биринчи синфлар учун 10 та, иккинчи ва учинчи синфлар учун 6 та номда дарслик тайёрлаб қўйилди, - деди Нукусдаги "Билим" нашриёти бош муҳаррири Рашид Аббазов. — Бундан ташқари, 10 номдаги дарсликлар босмахонада, 17 та номдаги дарсликлар муҳаррирларимиз томонидан нашрга тайёрланмоқда.***

**"Туркистон-пресс"**

Yangilik

## ИНТЕРНЕТ – АХБОРОТ МАРКАЗИ – МАКТАБ

**Қибрай туман халқ таълими бўлими қошида ахборот маркази иш бошлади.**

**Марказ туманда жойлашган 48 та мактаб ва 44 та болалар муассасаларини зарур ахборотлар, вазирлик ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва ҳужжатлар билан таъминлайди. Бу таълим соҳасида ислоҳотларнинг тезроқ амалга ошишига кўмаклашади.**

**Марказ олий таълим ва халқ таълими вазирлигининг "TASIS" проекти асосида очилган бўлиб, 4 та йўналиш: таълим соҳасини бошқариш, ўқувчиларни билим сифатини яхшилаш, информатика ва маркетинг йўналиши бўйича иш олиб боради.**

**Ахборот маркази раҳбари Мурод Абдураимов таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида Голландия университетларида бўлиб, компьютердан фойдаланиш, унда тўғри иш юритиш борасида ўз малакасини ошириб, бу ерда татбиқ этмоқда.**

**Марказнинг тармоқли компьютерлари интернетга уланган бўлиб, у орқали хорижий мамлакатлар маорифидаги янгиликлар қабул қилинади ва тарқатилади.**

**Марказ, шунингдек, ризограф ва бошқа оргтехника билан жиҳозланган.**

**Шунингдек, бундай "SERVER" — тармоқли комьютерлари ўрнатилган 25-кўп йўналишли мактаб-лицей ва 30-мактаблар ҳам интернет хизматидан кенг фойдалана бошлади.**

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА.**

***Республика "Устоз" жамғармаси олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастури (HESP) ҳамда Ўзбекистон очиқ жамият институти (Сорос) билан ҳамкорликда "Ёзги мактаб — 2000" малака ошириш ўқув курсларини ташкил этди. 15 кун давом этадиган ушбу ўқув дастури фалсафа ва социология йўналишлари бўйича олиб борилади.***

## "ЁЗГИ МАКТАБ - 2000"

—Мазкур ўқув форумини ташкил этишдан асосий мақсад, фалсафа ва социология фанларини ўқитишдаги жаҳон андозалари ва тажрибасини ўрганиш, уларнинг маънавиятимизга ва миллий ғоямизга мос келадиган ижобий томонларидан фойдаланишдир, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига "Устоз" жамғармасининг ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидов. — Семинар тингловчилари МДҲ давлатлари ва Монголия олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидан иборат бўлиб, улар фалсафа ва социология муаммолари бўйича ривожланган Ғарб мамлакатларида қандай тадқиқотлар олиб борилаётганлигини ўрганадилар. Олинган билимларнинг амалиётда қўлланилишига келсак, биз доимий равишда курсларимизда ўз малакаларини оширган тингловчиларнинг фаоллигини мониторинглар ўтказиб турамиз. Ўз навбатида улар ҳам бошқа давлатлардан мутахассисларни жалб этган ҳолда шундай ўқув тадбирларини ташкил этишади.

—Ҳар бир йўналиш бўйича 30 нафар тингловчини танлаб олганмиз, - деди социология бўйича ёзги мактаб директори Виктория Левинская. — «Фуқаролик жамиятининг асослари ва Ислом", "Ижтимоий тадқиқотларда статистика ва маълумотларни таҳлил қилиш методологияси" мавзуларидаги семинарларни АҚШ ва Канада университетларидан таклиф этилган таниқли профессорлар ҳамда ўзимизнинг мутахассислар олиб боришади. Шунингдек, ўқув доирасида мусулмонлар диний идорасига бориш, турли конфессияларнинг вакиллари билан учрашувлар ҳам режалаштирилган.

Узоқ муддатга мўлжалланган ушбу ўқув дастурига ташкилотчилар томонидан 100 минг АҚШ доллари ажратилди.

**"Туркистон-пресс"**

## ХОТИРАДАН ЎЧМАС КУНЛАР

*Жиззах туманининг хушманзара Увоб қишлоғида жойлашган Шароф Рашидов номидаги болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳи қарийб қирқ йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ўтган давр мобайнида бу ерда қанчадан-қанча ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаришмаган ва бу оромбахш масканни ёдларида сақлаб қолишмаган, дейсиз. Яқинда оромгоҳда иккинчи босқичда дам олган 120 нафар болаларнинг хайрлашув кечаси бўлиб ўтди.*

*Таъкидлаб ўтиш жоизки, кечада бу болаларнинг барчаси оромгоҳ бағрида кечган 18 кунни бир умр эслаб юражакларини айтдилар.*

*—Оромгоҳнинг иккинчи босқичида вилоятнинг турли туманларидан танлов асосида сараланган энг иқтидорли болалар ҳордиқ чиқаришди, - дейди оромгоҳ раҳбари Баҳром Ашурматов. — Улар учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилдик. Бу босқичда болаларга Американинг "Тинчлик корпуси" вакиллари тарбиячилик қилишди, ҳамда инглиз тилида машғулотлар олиб боришди. Улар фарзандларимизнинг зукколигига, тиришқоқлигига тан берганлигини айтиб ўтиш жоиз. Оромгоҳимизда дам олувчилар учун тўрт маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Болаларни сифатли озиқ-овқат билан таъминлашда ҳомийимиз — Жиззах туман ҳокимлиги яхши ёрдам кўрсатмоқда. Мунтазам уюштирилиб турладиган туристик саёҳатлар, қизиқарли ўйинлар, спорт иншоотлари, сузиш ҳавзаси, кинотеатр, кутубхона, "Маънавият" хонаси болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига замин яратиб беради, десак хато бўлмайди. Мазкур "Соғлом авлод йили"да оромгоҳимизда айниқса спорт соғломлаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда. Малакали врачимиз Эргаш Отабоев ва ҳамшираларимиз болалар соғлигини мунтазам назорат қилиб туришибди. Бир сўз билан айтганда, болаларнинг ҳам ҳордиқ чиқариши, ҳам ўзлари учун фойдали бирон нима ўрганиши ҳамиша эътиборимизда турибди.*

*Дарҳақиқат, оромгоҳда яратилган шароитни кўриб ҳавас қилса арзийди. Болалар билан мулоқотда эса, уларнинг ҳордиқ давомида инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганганликларининг гувоҳи бўлдик. Оромгоҳ раҳбари Б. Ашурматовнинг таъкидлашича, бу ерга янги ўқув йили бошлангунга қадар, яна икки босқичда ўқувчилар келиши режалаштирилган. Барча шароитлари муҳайё оромгоҳга галдаги келадиган болаларнинг ҳам дам олиши кўнгилли кечиши, шубҳасиз.*

**Акмал АБДУРАҲИМОВ,**
**Жиззах вилояти**

Maktabgacha ta'lim

## БОҒЧАДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 144-"Ҳилола" болалар боғчаси мослаштирилган бинода жойлашган. Кичкинтойлар масканида тўртта (илк ёшли, кичик, ўрта ва тайёрлов) гуруҳи мавжуд бўлиб, уларда 92 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир. Болалар гулшанида таълим-тарбия қўғирчоқ билан ишлаш ва экологияга йўналтирилган.

Қўғирчоқ билан ишлаш машғулотининг бошланганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, у аллақачон дилбандларнинг севимли машғулотига айланиб улгурди. Тарбиячи Доно Азимова раҳбарлик қилаётган "Моҳир қўллар" тўгарагида дастлаб қўғирчоқ ясаш, улар иштирокида саҳна асарлари намойиш қилиш аввало тарбиячиларга ўргатилади. Сўнгра улар ширинтойлар билан ўзлари ясаган персонажлар иштирокида ширма ортида театр қўйишни машқ қилишади.

Лой, ганч, шарлардан дастлаб қўғирчоқнинг бош қисми ясалади. Унга устма-уст қоғоз ёпиштирилади ва у кардонга ўхшаган бўлади. Турли рангларда бурун шакли, кўз, қош ясалади. Сўнгра калла тахтага ўрнатилиб, кийим кийгизилади. Болалар персонажларни кулиб ёки жаҳли чиқиб турган ҳолда тасвирлай оладилар. Ундан кейин тана қисмлари — қўл, оёқ жонлантирилади. Болаларга тухум пўчоқлари, қоғоз қутилардан оққуш, жониворларнинг шаклларини ясаш ўргатилмоқда. Кичкинтойлар эртак қаҳрамонларининг салбий ёки ижобий эканликларини ажрата оладилар.

Изланувчан тарбиячилар одобномага оид саҳна асарлари ҳам ижод қилиб турадилар. "Камбағал деҳқон" эртаги шулар жумласидандир. Эртақда камбағал деҳқон меҳнаткашлиги, софдиллиги туфайли кўпчилик ҳурматига сазовор бўлади, деган ғоя илгари сурилади. Саҳна асарлари кўнгилочар соатларда намойиш қилинади.

— Қўғирчоқ театри орқали мурғак қалбларнинг фикрлаши, нутқи, тасаввур қилиш қобилияти ривожлана боради, — дейди тўгарак раҳбари Доно Азимова. — Персонажларни ўзбек халқ эртаклари ҳамда миллий бадиий адабиётлардан оламиз. Донишманд чол, бойлар, хонзодалар ва ҳайвонлар шулар жумласидандир. Миллий қадриятларимизни саҳна асарлари орқали болажонларга мурғаклик даврида сингдириш осон бўлади.

Кичкинтойлар масканида фаолият кўрсатаётган инглиз тили, шашка, рақс тўгараклари ҳам болажонлар хизматидадир.

Шинамгина маънавият хонасида буюк сиймолар расмлари, методик ва бадиий адабиётлардан иборат кичик кутубхона мавжуд. Шунингдек, гуруҳларда ҳам шоир ва ёзувчиларнинг кичкинтойлар ёшига мос асарлари бор. Мослаштирилган кичик спорт зали обруч, кегли, гимнастик нарвонча, тирмашиб чиқиш учун арқонлар билан жиҳозланган. Баскетбол ўйнаш учун спорт майдончасида қурилмалар ўрнатилган.

Боғчада мониторинг хонаси мавжуд бўлиб, у ердан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва буйруқлари, ҳар бир гуруҳнинг оммалаштирилган иш тажрибалари, кўргазмалари, ноанъанавий машғулотлар конспектлари, янги педагогик технология — Монтессори ҳамда ТРИЗ бўйича кўргазма материаллар ўрин олган.

Маскандаги автомайдончада болалар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни ўрганаётирлар. Ҳаракат белгиларига амал қилиш кундалик ҳаётда такрорланиб, мустаҳкамланиб борилмоқда.

Жорий йилда кичкинтойлар масканида кам таъминланган оилаларнинг боғчага қамралмаган 9 нафар фарзандлари мактабга тайёрланаётир. Олий маълумотли ўқитувчи Гавҳар Қориева раҳбарлигида болалар лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси, математика, иқтисод, тасвирий фаолият, жисмоний тарбиядан илк маълумотга эга бўлмоқдалар.

Ўтган йили якшанбалик мактабида мактабга тайёрланган 12 нафар бола 1-мактабнинг 1-синфида ўқишни давом эттирди.

— Боғчада канарейка, тўтиқуш сингари қушлар ҳамда ранг-баранг хонаки гуллар мавжуд, — деди боғча мудираси Маъмура Мажидова. — «2000 йил — Соғлом авлод йили»да Соғлом авлод боғини яратишга киришдик. Ҳар бир боғча битирувчиси эсдалик учун мазкур боққа биттадан мевали кўчат экиб кетиши анъанага айланиб боради.

Ҳа, эртаклар, турли ўйинлар ёрдамида нима яхшию, нима ёмонлигини фарқлай оладиган, табиатни ҳимоя қилишни мурғаклик давриданоқ тушуна оладиган ўғил-қизларимиз келажакда соғлом фикрли, мулоҳазали, виждонли, ҳалол инсон бўлиб вояга етишишлари, табиий.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

*Тадқиқотлар натижасида оғир атлетиканинг ўсмир организмига салбий таъсир қилиши исботини топмаган.*

*Германия атроф-муҳит муҳофазаси вазири жаноб Юрген Триттин машинада юришдан воз кечди. У шаҳар "яшиллар" партияси биносига ҳар куни велосипедда кела бошлади.*

Ma'rifat

Yoz — o'tmoqda soz!

# "АГРОИСТЕЪДОД" ИШ БОШЛАДИ

*Мактаб ўқувчиларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, таътил давомида иқтидорли болаларнинг ўз билим ва истеъдодларини тўла намойиш этишларини уюштириш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Яқинда Янгийўл шаҳридаги "Меҳржон" номли дам олиш оромгоҳида очилган "Агроистеъдод" мактаби ана шундай ибратли ишлардан биридир..*

*Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ўқувчилар техник-ижодиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника қўмитаси, Республика давлат патент идораси ташкилотчилиги ва ҳомийлиги остида ташкил этилган ушбу мактабнинг очилиш маросими жуда кўтаринки руҳда ўтди. Меҳмонларни "Меҳржон" оромгоҳи тарбиячи ва тарбияланувчилари, "Агроистеъдод" мактаби ўқувчилари куй-қўшиқ ва нон-туз билан кутиб олишди. Осмонга ушбу мактаб иштирокчилари ясаган ракеталар учирилди. Иқтидорли болалар кашф қилган ва устозлари ёрдамида ясаган турли-туман техник асбоб-ускуна, турфа хил машина, ракета, самолёт моделлари меҳмонларни қизиқтирди. Эртанги кун эгалари ихтироларидан қалбларда ғурур пайдо бўлди.*

*— Биз 1999-2000 ўқув йилининг бошида Янгийўл шаҳридаги 16-мактабда 2 та "Агроистеъдод" синфини ташкил этдик. Бу синфларга қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги техникаси воситаларига қизиқадиган, билимли ўқувчиларни тест синови асосида танлаб олдик. Бу синфларга физика, математика, биология каби ўқув дастуридаги фанлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам чуқур ўргатила бошланди. Бугун бу мактабга республикамиз вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан иқтидорли, қобилиятли болалар ташриф буюришди. Улар 15 кун давомида бу ерда дам олиш билан бирга турли илмий-текшириш институти ходимлари, олий ўқув юртлари ўқитувчиларидан сабоқлар олишади, техника, агрономия сирларини ўрганишади, — деди Республика ўқувчилар техник-ижодиёти маркази директори Т.Қорабоев.*

*Ўқувчилар бу ерда "Миллий мафкура — миллий ғоя", "Соғлом авлод — келажагимиз таянчи", "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва ривожлантириш", "Қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш" каби бир қатор қизиқарли маърузалар тинглашади ҳамда "Кашфиёт масалаларини ечиш"; "Қишлоқ хўжалик машиналари техникасининг синови" каби мароқли амалий машғулотлар ўтказадилар. Илмий-техник дастур амалга оширилаётганда қишлоқ хўжалиги техникасига доир мавзулар бўйича слайдлар, кино ва видеофильмлар ҳам болаларга кўрсатилади.*

*— Дам олиш оромгоҳида 394 нафар тарбияланувчи дам олмоқда, улар сафига яна 60 нафар истеъдодли фарзандлар қўшилганлигидан хурсандман. Бу болаларга дам олишлари, ўқув машғулотларида қатнашишлари учун барча шароитни яратиб берамиз, — деди оромгоҳ раҳбари Хосият Турғунбоева.*

*Истеъдодли, қобилиятли болалар юрт эртасини таъминлайди. Келажакда эл-юртга, халққа фойдаси тегадиган, Ўзбекистонни жаҳонга танитадиган ихтиролар, кашфиётлар қилиш ҳам уларнинг энг эзгу ва буюк орзулари.*

*Бу орзуларни рўёбга чиқаришда, аввало, катталарнинг эътибори зарур бўлади. "Агроистеъдод" мактаби эса шу эътиборнинг бир қирраси, холос.*

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

**Болаларни фақат севиш керак. Бу меҳр уларга тарбия, таълим беришда тўғри йўлни кўрсатувчи маёқ бўлади.**

**Суратларда: (Юқорида) Паст Дарғом туманидаги "Бойчечак" номли 7-боғча-мактаб мажмуаси тарбиячиси Лола Усмонова болакайларга расм чизишни ўргатаяпти. (Пастда) Тиришқоқ болалар бўш вақтларини бекор ўтказмайдилар.**

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

Ta'til

# "ШАЛОЛА"ДАН МАКТАБГА

*Навоий шаҳридаги Файзулла Хўжаев номли 17-мактаб қошида "Шалола" болалар ёзги дам олиш оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳ юз ўринга мўлжалланган бўлиб, шинамгина жиҳозланган. Унда олти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оромгоҳда йигирма нафар тарбиячи ва етакчилар хизмат қилишмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойидан мактабга илк бор қадам қўядиган болажонларни мактабга тайёрлаш учун тайёрлов дарслари ҳам шу ернинг ўзида ташкил қилинган.*

*Болаларни вақти-вақти билан шаҳарнинг сўлим жойларига, "Дельфин" чўмилиш ҳавзасига, кинотеатрларга олиб бориш ҳам бу ерда дам олаётганларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Навоий вилояти автотранспорт бошқармаси (бошлиғи С.Латипов) томонидан беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатилиши эса, бу оромгоҳдаги шароитларни яна ҳам яхшилашга бўлган ҳаракатдир.*

*Биз, ота-оналар оромгоҳни ташкил этган мактаб маъмуриятидан, айниқса бу ишда бош-қош бўлган мактаб директори Х.Ҳотамовадан ва оромгоҳ раҳбари У.Йўлдошевлардан беҳад миннатдормиз.*

**Ота-оналар номидан К.ЙЎЛДОШЕВ**

# ОҒИР АТЛЕТИКА — ЁШЛАР СПОРТИ

**Кейинги пайтларда жуда кўп ёшларнинг оғир атлетика тўгаракларига қатнашаётганини учратмоқдамиз. Йигитчалар кучли бўлишни хоҳлашади-да! Кучли одам деганда биринчи навбатда соғлом киши назарда тутилади. Ўсмирларда спорт билан шуғулланиш натижасида жисмоний кучнинг мустаҳкамланиб бориши билан бир қаторда ирода мустаҳкамланади, чидам ҳамда бардош юксалади.**

**Амалиётда ҳам кўпгина машҳур оғир атлетикачилар анча ёш вақтларида — 10-12 ёшларида спортнинг ушбу тури билан шуғулланганлиги қайд этилган.**

**Лекин кўпгина ота-оналар фарзандлари спортнинг ушбу тури билан шуғулланишига қўрқиброқ қарашади. Улар ушбу спорт тури билан шуғулланган ўсмирларнинг бўйи ўсишдан тўхтаб қолади, умуртқа поғонаси нотўғри шаклланади, деб фикр юритадилар.**

**Бу каби иккиланишнинг олдини олиш мақсадида Санкт-Петербургдаги болалар оғир атлетика мактабида тажриба синфи очилиб, 12-14 ёшлардаги болалар ҳафтада уч марта штанга кўтариш билан шуғулланишади.**

**Тадқиқотлар натижасида оғир атлетиканинг ўсмир организмига салбий таъсир қилиши исботини топмаган. Аксинча, ёш оғир атлетикачиларда нафас олиш йўлларининг жуда яхши ривожланганлиги ҳамда мунтазам шуғулланиш бўй ўсишига мутлақо таъсир этмаслиги маълум бўлди.**

**Лекин шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий: нега унда барча машҳур штанга кўтарувчиларнинг бўйлари паст?! Буни эса қуйидаги далиллар билан изоҳлаш мумкин. Оғир атлетика билан шуғулланиш жараёнида янги келган ўсмирлар дарҳол нотабиий равишда иккига бўлиниб қоладилар: бўйи пастлар ва бўйи узунлар. Новча ўсмирларнинг бўйи сал пастроқларга нисбатан оғир атлетика сирларини ўрганишлари бирмунча қийин кечади. Чунки уларнинг мушаклари ҳам узун бўлади ва бу ўз навбатида уларни паст бўйилиларга нисбатан икки баробар кўпроқ тер тўкишга мажбур қилади. Паст бўйилиларнинг елкалари кенг ва улар машғулот жараёнида барча амалларга тезроқ кўника бошлайдилар. Ва охир-оқибатда новчаларнинг кўпчилиги ўз муваффақиятига ишонқирамай, машғулотларга боришни бас қилади. Лекин уларнинг бу хатти-ҳаракатларини тўғри деб бўлмайди. Чунки ҳақиқий ғалаба ким кўп ўз устида ишласа, ўшанга насиб қилади. Спортнинг бошқа турида ғалаба ҳакамлар ёрдамида тортиб олиниб, кучсизроққа берилиши мумкин, лекин оғир атлетикада бу ғайирликни ишлатиб бўлмайди. Ютуққа спортчининг фақатгина, таъкидлаймиз, фақатгина ўзи ўзини олиб боради.**

**Ҳозир оғир атлетика мактаб спартакиадаси дастурларига киритилган. Унинг энг бошланғич тури — гантеллар билан ишлашни 10 ёшданоқ бошлаб юбориш мумкин. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш зарурки, машҳурларнинг барчасининг ичида бирорта ҳам 10 ёшида гантел билан машғул бўлмагани йўқ. Шу даврда балоғатга етаётган организмда турли ўзгаришлар содир бўлади ва гантелдан оғирроқ нарса билан шуғулланиш уларнинг соғликларига салбий таъсир кўрсатмай қўймайди. 10-14 ёшли болалар чаққонлик, тезлик, довюракликни ўзларида шакллантира олишлари лозим. Фақат шундагина улар келажакда Алпомиш келбатли йигитлар бўлиб етишишларига тўлиқ кафолат бор. 12-14 ёшдан эса уларнинг ота-оналари қўрқмасдан, иккиланмасдан оғир атлетика тўгаракларига юборавершлари мумкин. Шу даврда умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) машғулот юкламаларининг 65-70 фоизини ташкил этса, махсус тайёргарлик (МТ) 30-35 фоизни ташкил этади. Чунки ёш спортчида ҳали уқув бўлмайди ва унинг мушаклари ҳам тўлиқ шаклланмаган бўлади. Машғулотлар сони орта бориши билан УЖТ камайтирилиб, МТ оширилиб борилади. Улар ўзаро тескари пропорционалдир.**

**Масалан, ўсмир тўладан келган, борингки, қисман семиз дейлик. Улар озғинларга нисбатан тажрибасизроқ, оғирроқ ва кучсизроқ бўлади, албатта, мана шу ерда мураббийнинг қандайлиги билинади! Унга аксинча махсус тайёргарлик кўпроқ, умумий жисмоний тайёргарлик камроқ бериш керак.**

**Бўйга тегишли яна бир жиҳатни ёддан чиқармаслик лозим. Фарзанд туғилгач, ота-онасига хос бўлган белгиларга эга бўлади. Агар ота ёки онанинг бўйи паст бўлса, фарзанд оғир атлетика билан шуғулланса-шуғулланмаса бўйи паст бўлиш эҳтимоли бор.**

**Ҳозирги вақтда ёшлар Самарқанд шаҳри, Сиёб туманининг "Оби-Машат" маҳалласидаги Аҳмад бобо Ҳамроқулов номидаги соғломлаштириш марказида оғир атлетика тури бўйича юздан ортиқ полвонлар машқ қилишади ҳамда мусобақаларга қатнашиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар.**

**М.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, халқаро тоифадаги ҳакам**

Qutlov



**Ҳурматли устоз Раимқул РУСТАМОВ. Сизни 60 ёшга тўлганингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Мустаҳкам соғлиқ педагогик фаолиятингизда омадлар ёр бўлаверсин.**

**Челак туман халқ таълими бўлими, 23-ўрта мактаб педагогик жамоаси**

# ЕТМИШ ЁШЛИ ДАРГОҲ

*Андижон шаҳридаги кўҳна маҳаллалардан бирида жойлашган бино — бизнинг мактаб. Мана қарийб 70 йилдирки, бу кўчанинг шовқини ҳам биз ўқувчиларники, файзи ҳам. Шаҳардаги қайси бир олим ё зиёли билан гаплашманг, бу мактабнинг тарихи ва шуҳратидан гап очади. Мен бугун мўъжазгина мақолага мактабимнинг буюк тарихини жойлаштира олмайман. Уни битирган олим ва шоирларнинг саноғини келтира олмайман. Фақатгина бир инсон ҳақида гапирмай бўлмайди...*

*Низомжон Умаров — 1920 йилда туғилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муаллим. Бу кишининг шоир ва драматург экани, тарихчи ва моҳир педагоглигини ҳамма билади. Машҳур шоир Собир Абдулланинг жияни бўлганиданми, ёшликдан умри шоир ва фозиллар даврасида ўтди. Ғафур Ғулом, Ҳабибий домла, Улфат каби машҳур шоирлар тўпланишса, албатта, Низомжон акани соғинишади ёки биров уларни кўрмоқчи бўлганда ҳам Низомжон ака воситачилик қилади. 32-мактабда ўтказилган шеърият кечаларининг саноғи йўқ. Фақат биттасини эслайдиган бўлсак, 1956 йилда сталинизм қатағони эндигина танқидга учраётган бир пайтда, Фитрат, Чўлпон номини тилга олиб бўлмас бир даврда шоир Чўлпонга бағишланган шеърият кечаси ўтказади ва яна 20 йил танаффусдан кейин 1987 йилда қайта қуриш баҳонасида Чўлпон номи тилга олинаётганда юртимиздаги биринчи чўлпонхонлик яна бизнинг мактабда ўтказилди, яна унинг ташкилотчиси Низомжон ака.*

*— Мактабимизнинг 70 йиллиги нишонланаётган бир пайтда бу сананинг Низомжон ака туғилган кунининг 80 йиллиги билан баробар нишонланиши тасодиф эмас, — дейди мактаб директори Моҳидил Аҳмедова. — Биз бугунги кунда Низомжон акани шогирдлари республика адабий жараёнида фаол қатнашаётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.*

*Етмиш ёшли мактабим бундан кейин ҳам Низомжон ака сингари улуғ инсонлар учун маънавият маскани бўлиб қолишига ишонаман.*

**Ҳилола БОЛТАБОЕВА**


**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти 2000 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қуйидаги ихтисосликлар бўйича**

**АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. Педагогика назарияси ва тарихи — 13.00.01.
2. Ўқитиш назарияси ва услубиёти — 13.00.02.
3. Ҳунар таълими назарияси ва услубиёти — 13.00.08.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари дастури бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисослиги бўйича камида бир йил иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгашлари тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— ректор номига ариза;
— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
— таржимаи ҳол;
— илмий мақолалар рўйхати ёки реферат;
— институтни шу йили тугатганлар учун илмий кенгаш баённомасидан кўчирма;
— меҳнат дафтарчаси нусхаси;
— диплом нусхаси;
— 2 дона фотосурат (3x4 ёки 5x6 ҳажмда);
— номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси — 7-уй. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти.**


Xullas...

### МИЛЛИАРДЕР-ГИТАРА "ЖИННИСИ"

Сиэтл шаҳрида замонавий мусиқа асбобларидан иборат ажойиб-ғаройиб музей очилди. Балалайка, барабан, скрипка, пианино, яна аллақандай мусиқа асбоблари! Гитаранинг 500 хили бор экан, буни музейга келтирилган турли-туман гитаралар исботлаб турибди.

Музейдаги мусиқа асбоблари пулга чақилганда, 240 миллион долларни ташкил этади. Мухлисларнинг бу ерга оқиб келишини олдиндан сезган миллиардер Пол Аллен музейни молиялаштиришга бажонидил бош қўшди, ҳаттоки ташаббускор бўлди. "Майкрософт" компаниясининг асосчиларидан булган бу жаноб машҳур гитара чалувчи Жимми Хендрикс тароналарининг ҳақиқий жиннисидир.

### ШАХСИЙ НАМУНА

Германия атроф-муҳит муҳофазаси вазири жаноб Юрген Триттин машинада юришдан воз кечди. У шаҳар "яшиллар" партияси биносига ҳар куни велосипедда кела бошлади.

Мюнстер шаҳрида "яшиллар" (табиат муҳофазаси билан шуғулланувчилар)нинг қурултойи чақирилган эди. Унда партиянинг янги раҳбарияти сайланиб, ёш немисларни табиат бойликларини асраб-авайлашга кўпроқ жалб қилиш ғояси илгари сурилди. Бунинг учун мамлакатдаги барча атом электр станцияларини ёпиш керак, дейишди "яшиллар".

Юрген Триттиннинг ишга велосипедда бориши "яшиллар" партиясидаги шахсий намунадир, деб қайд қилинади "Труд" газетасида.

### ПАРЛАМЕНТ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Швейцария "Ҳайвонларни ҳимоя қилиш иттифоқи" мамлакат парламентига қонун лойиҳасини тақдим этди.

Унда зотдор итларни четга, хусусан текинга экспорт қилишни таъқиқлаш хусусида сўз боради. Иттифоқ раҳбарларидан бири ҳикоя қиладики, "итлар Хитойга ҳаво йўллари орқали жўнатилаяпти. Хитой ошпазлари бу ҳайвоннинг терисини шилиб, шўрликларнинг жонини азобга қўйиб, турли таомлар тайёрлашмоқда. Ҳаттоки, зенгбернар деган ит гўштидан торт ҳам тайёрлашмоқдаки, биз бунга тоқат қилолмаймиз. Ахир инсофданми, ҳар йили 100 мингта ит йўқотилаяпти".

Ҳа, одамзотнинг тирик жонзотларга нисбатан бундан ортиқ адолатсизлиги булмайди. Зора, Швейцария парламенти бунга чек қўйса...

### ЛИНА ИСМЛИ СУВ ПАРИСИ

Сув париси эртакларда талқин қилинарди. Ҳаётда эса у мавҳум бир қаҳрамон. Ана шу мавжуд булмаган нозанин Ставангер (Норвегия) шаҳридаги порт қирғоқларида ҳар куни кўриниш беради. Сайёҳлар уни узоқдан кузатиб, маҳлиё булиб қолишмоқда. Сочлари буйи билан баравар, танасининг иккинчи ярми ялтир-юлтур мато билан беркитилган.

Қисқаси, сайёҳлар назарида ҳақиқий сув париси! Аслида эса у 37 ёшли, икки боланинг онаси Лина хоним Оксневаддир! Афсуски, Лина сув париси ролини фақат ёзги мавсумдагина ижро эта олади.

ana shunaqa gaplar...


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Шерали НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-617. Тиражи 19.687.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.